



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.

2023 - yil 2 - may

VI-38-40-6-0-K/23

Namangan viloyati hokimligi

Учқўрғон ва Норин туманларидан оқиб ўтувчи “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давомида ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг очик муҳокамасини ўтказиш тўғрисида

Норин тумани ҳокимининг 2023 йил 29 апрелдаги 1/38-795-сон, Учқўрғон тумани ҳокимининг 2023 йил 29 апрелдаги 01/14-172-сон хатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-44-сон, “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 30 мартдаги ПҚ-104-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилояти “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” ва “Сурхондарё вилояти Тўпаланг дарёсида Зарчоб-3 ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 534-сон қарорлари ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни 17-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Норин тумани ҳокимининг 2023 йил 29 апрелдаги 1/38-795-сон, Учқўрғон тумани ҳокимининг 2023 йил 29 апрелдаги 01/14-172-сон хатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 30 мартдаги ПҚ-104-сон қарори билан “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 85,68 гектар, шундан 79,46 гектар суғориладиган ерлар, 6,22 гектар лалми ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” ва “Сурхондарё вилояти Тўпаланг дарёсида “Зарчоб-3” ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 534-сон қарори билан:

“Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳалари бўйича кредитни қайтариш ва фоизлар (комиссия) тўлашнинг прогноз жадваллари тасдиқланганлиги;

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ лойиҳа ташаббускори ва қарз олувчи, кредитдан мақсадли фойдаланишга ва инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишига масъул ҳисобланиши;

“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш дирекцияси» унитар корхонаси “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳаси бўйича буюртмачи ва ижро этувчи ташкилот ҳисобланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сон қарорининг 7-бандига асосан “Гидропроект” АЖ инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилоти ҳисобланиши;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг, кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг кўрган зарарлари (компенсация бериш харажатлари) қонунчиликда белгиланган тартибда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан:

Ташаббускор “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш дирекцияси” унитар корхонаси томонидан “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида жами 156,1 гектар, шундан, Учқўрғон туманида жами 84,5 гектар (шу жумладан, 48,7 гектар доимий фойдаланиш, 35,7 гектар вақтинча фойдаланиш) ҳамда Норин туманида 71,6 гектар (шу жумладан, 37,7 гектар доимий фойдаланиш, 33,8 гектар вақтинча фойдаланиш) ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиш ташаббуси жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилсин.

4. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” объектларини жойлаштириш схемаларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш ҳамда қурилишни режалаштириш бўйича тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосаси;

Давлат кадастрлар палатасининг вилоят бошқармасининг “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” учун танланган ҳудудда жойлашган ер эгалари ҳамда унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг тўлиқ рўйхати ва ахборот асос учун қабул қилинсин.

5. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга

етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаларидан маблағ ажратиш бўйича ҳудудий Кузатув кенгашининг 2023 йил 3 апрелдаги –сон йиғилиш қарори билан “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” учун танланган ҳудудида жойлашган ҳуқуқ эгаларига бериладиган Компенсациянинг (ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда уларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларнинг) дастлабки миқдори келишилганлиги асос учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 534-сон қарорига асосан “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳуқуқ эгаларига бериладиган Компенсациянинг дастлабки миқдорлари “Ўзбекгидроэнерго” АЖга тақдим этилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида ташаббускорга, вилоят, Учқўрғон ва Норин туманлари ҳокимликларига юборилсин.

7. Ушбу қарор вилоят, Учқўрғон ва Норин туманлари ҳокимликларининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, ҳокимликларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўлиқ ҳажмда эълон қилинсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси раиси ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ҳакимов зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари Наманган
вилояти Кенгашини раиси**



Sh.Abdurazakov